

“БОБУРНОМА” ДАГИ ВАҚТ ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ ЛЕКСЕМАЛАРИНИ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11543395>

Сайёра Шодмонова Бахромовна

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори

ПХД доцент. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти Тел.95 322 00 04.

ОРСИД ИД 0009-0005-2564-9003.

Ўзбек тилида вақт ўлчов маънолари мустақил тил бирликлари (семема) ёки бошқа тил бирликлари семантикасининг ташкил этувчиси (сема) сифатида мавжуд. Вақт ўлчов семантикаси ўзининг лексик, грамматик, фонетик ифодаланишларига эга. Ўзбек тилшунослигида вақт маъноси пайт равишлари, от сўз туркумидаги темпорал лексемалар, вақт маъноли олмошлар, феъллар, юкламалар каби морфологик, пайт ҳоллари, вақт ифодаловчи конструкциялар сингари синтактик йўналишларда ўрганилган ёки қайд қилинган. Лексик бирликларнинг темпорал маъноси ҳақида хусусий, у ёки бу муносабат билан билдирилган фикрлар учрайди. Вақт семаси ва семаларининг таркиби, уларнинг система ҳосил қилувчи имкониятлари, вақт семантикаси макро ва микро системалар, буларнинг тузилиш хусусиятлари, вақт ифодаловчи бирликларнинг луғавий системада тутган ўрни, кўлами каби масалалар ўз ечимига эга эмас.

“Бобурнома” бир томондан фаннинг ўнга яқин соҳаларига оид маълумотларни жам этган илмий асар, иккинчи томондан, шоҳ ва шоирнинг калб дафтари эканлиги бизга маълум. Бу асарда турли соҳалар каби ўлчов бирликлари лексемаларига ҳам катта эътибор қаратилган. Бунда фақат бир томонлама, яъни бир халқнинг ўлчов бирликлари эмас, бошқа миллат, халқнинг ўлчов бирликлари шу жойда истиқомат қилаётган шахсга тушунарли бўлиши учун вақтларни аниқ ифодалаб, вақт бирликлари лексемалари асосида тушунтириб берилган. Систем тилшунослик нуқтаи назаридан вақт бирликларининг матн ҳосил қилишдаги имкониятларига бағишланган тадқиқот М.Ҳакимова⁴⁰ қаламига мансуб бўлиб, унда вақт маъноли луғавий гуруҳлар систем тилшунослик нуқтаи назаридан кенг ва атрофлича таҳлил этилган.

“Бобурнома” матнида вақт маъносини ифодаловчи ўлчов бирликлари лексемаси жуда кўп: аср, ой, йил, фасл, ҳафтадаги кунлар, соат, минут, секундни ифодаловчи пос, паҳр, гири// гари, қисмат, пул, дақиқа, исломий атамалар намоз сўзи билан боғлиқ бўлган намози шом, намози пешин, намози дигар, бир сут пишими, от мингунча фурсат, қилич суғургунча фурсат, туғчи туғ боғлаунча фурсат ва шу кабилардир.

Вақт ўлчов бирликлари воқеалар жараёнини ёритишда ўзига хос аҳамият касб этади, аниқ рақамларни қўллаш маҳорати ҳам “Бобурнома” бадииятининг ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Бу Бобурнинг классик наср тилига қўшган улкан ҳиссаси сифатида баҳоланишга лойиқ. “Бобурнома” лексикасида вақт ўлчов бирликларини қўллаш орқали туркий тилнинг барча қатламлари, архаик ва замонавий лексика наср тилининг кенг имкониятларини намоён эта олган. Бу борада биз тилшунос Бобурни, унинг хинд, форс, араб, туркий тиллар билимдони эканини англаймиз. Бобуршунос З.Холманова айтиши масала хусусида шундай фикрни айтади: “Эски ўзбек тили хусусиятлари акс этган “Бобурнома” кенг кўламдаги лексемалар тизимини ўз ичига олган. Асар лексикаси XV–XVI аср ўзбек адабий тили луғат бойлигини ифода этади. Шу билан бир қаторда унда Бобур фаолиятига боғлиқ тарзда афғонча, хиндча лексемалар қўлланган”.

“Бобурнома” матнида турли хил ўлчов бирликлари мавжуд бўлиб, муаллиф ҳар бир ўлчов бирлигининг аниқ ўлчамларини келтира олган ва уларни ифодалашда бадиий тасвир воситаларини четда қолдирмаган. Матнда туркий халқларнинг қамарий ой, ҳижрий йил ҳисобидаги араб йилномасидан фойдаланганлигини таҳлилга тортадиган бўлсак, бунда ҳам мукамал билим соҳиби эканлигини англаб олишимиз мумкин.

Вақт ўлчовини ифодаловчи эски ой номлари билан ҳозирда тилимизда қўлланилаётган байналмилал ой номлари орасида маълум даражада фарқ борлиги бизга маълум. Мовароуннаҳр ва Хуросондаги исломий фасл, йил, ой, кун таквимлари атамаларига одатланган Бобур учун Ҳиндистоннинг таквимий тартиблари, атамаларига кўникиш анча қийин кечган. Адиб уларнинг ўлчамларида кўп мураккабликларга дуч келган, пировард натижада мазкур соҳанинг етук билимдони даражасига етган. Қиёсий таҳлилларда ички тизим, мутаносиблик билан бирга, ўқувчи чалғимаслиги учун хиндча вақт ўлчов бирлиги лексемаларининг форсча, туркча муқобилларини аниқ белгилаганки, бундан кўз ўнгимизда вақт бирликлари бўйича катта чоғиштирма тадқиқот олиб борган шахс намоён бўлади. Шу

асосда тасвирланган фасллар тақсимооти, унинг исломий муродифига оид вақт ўлчами таҳлиллари берилган.

Масалан: *Яна ул вилоятларда тўрт фаслтур. Ҳиндустонда уч фасл бўлур: тўрт ойи ёздур, тўрт ойи пашакаал, тўрт ойи қиш. Ойларнинг ибтидоси ҳилолий ойларнинг истиқболидиндур. Ҳар уч йилда бир ойни пашакаал ойларига зиёда қилурлар. Яна уч йилда қиш ойларига зиёда қилурлар. Яна уч йилда ёз ойларига. Буларнинг кабисаси будур (БН.207).*

Мазкур матннинг бир жиҳатига эътибор берсак, Бобурнинг тасвир усулида вақт ўлчов бирликлари лексемалари алоҳида-алоҳида тарзда қайд этилмаган. Улар ўзаро уйғунлашиб, бир-бирини тўлдириб келмоқда. Мусулмон тақвимидаги ҳар тўрт йилда бир марта келадиган кабиса йили (февраль ойининг 29 кун келиши)ни Бобур Ҳиндистон тақвимидаги фасллар нисбатида қиёслаб, аниқ шарҳлаб берган. Бундай олимона нуқтаи назар билан вақт ўлчови лексемаларининг бобурога усулда ўқувчига етказилиши Бобур тафаккурининг нақадар кенглигини кўрсатади.

Вақт ўлчови лексемаларининг муаллиф тасвир услубининг ҳар учала таржимада қандай акс эттирилганини кўриб ўтамиз: *In other countries there are four seasons; in Hindustan there are three; four months of summer, four of the rainy season, and four of winter. Its months begin with the new moon. Every three years they add a month to the rainy season; again, at the end of the next three years they add a single month to one of their winters; and in the course of the succeeding three years they add one month to a summer. This is their mode of intercalation (L-E.Vol.II.; 237)* (бошқа мамлакатларда тўртта фасл бор; Ҳиндистонда учта фасл бор; тўрт ой ёз, тўрт ой ёмғирли, тўрт ой қишдир. Унинг ойлари янги ой билан бошланади. Ҳар уч йилда улар бир ойни ёмғирли фаслга қўшади, яна кейинги уч йилнинг охирида улар бир ойни қиш фаслига қўшади; мувофиқ келиши учун уч йилда улар бир ойни ёзга қўшади. Бу уларнинг кабиса усулидир (М.Т)⁴¹, деб таржима қилади. Таржимани ўқиган китобхон, таржимон маҳорати қай даражада эканлигини матнни ўқиган заҳоти англайди. Сўз бирикмалари, вақт ўлчов лексемалари, илмий атамаларни беришда уларга мос эквивалент танлаш муҳимдир. Таржимон муаллиф услубида тасвирлаган вақт ўлчови лексемасининг ҳар бир деталини таржимада акс эттиришга ҳаракат қилган. Аслият матнида: *яна уч йилда ёз ойларига жумласи, in the course of the succeeding three years they add one month to a summer (уч йилда улар бир ойни ёзга қўшади)* деб ўгирилади. Бу жумлага *in the course of the succeeding (мувофиқ келиши учун)* бирикмаси қўшилади. Бирикма

аслият прагматик хусусиятларини тўла акс эттиради. Рецепторга маълумотни аниқ етказиш учун хизмат қилади.

А.Бевериж таржимасида: *Again: – whereas there are four seasons in those countries, there are three in Hindustan, namely, four months are summer; four are the rains; four are winter. The beginning of their months is from the welcome of the crescent-moons. Every three years they add a month to the year; if one had been added to the rainy season, the next is added, three years later, to the winter months, the next, in the same way, to the hot months. This is their mode of intercalation*⁴² (А.В.515) (Яна ана шу мамлакатларда тўрт фасл бўлур, Ҳиндистонда учта фасл бўлади. Тўрт ой ёз, тўрт ой ёмғирли, тўрт ой кишдир. Ойларининг бошланиши ярим ой шаклидаги ойнинг қарши олинисидандир. Ҳар уч йилда бир ойни йилга қўшади, бир йил ёмғирли фаслга, яна қўшилади, уч йил кейинроқ қиш ойларига, яна худди шу йўлда ёз (иссиқ) ойларига қўшилади. Бу уларнинг кабиса усулидир (Ш.С) деб таржима қилади. А.Бевериж таржиманинг лексик-семантик жиҳатидан пишиқ бўлишига эътибор қаратган. Таржима жараёнида Мовароуннаҳр фасллари Ҳиндистон фаслларига нисбатан фарқланишини адекват усулда амалга оширган. *Ойларнинг ибтидоси ҳилолий ойларнинг истиқболидиндур* жумласи *the beginning of their months is from the welcome of the crescent-moons* (ойларининг бошланиши ярим ой шаклидаги ойнинг қарши олинисидандир) деб вақт ўлчов бирлиги лексемасининг маъноларига қараб эквивалентларини берган. Бунда аслиятда келтирилган вақт лексемалари жумласи, маъно ва мазмун жиҳатидан ўз аксини топган. Вақт ўлчов бирликлари лексемаси прагматик мувофиқлик билан ўтирилган.

В.Текстон таржимасида: *In our country there are four seasons, but in Hindustan there are three: four months of summer, four of monsoon, and four of winter. The months begin with the crescent moon in opposition. Every three years one month is added to the monsoon months, then three years later a month is added to the winter months, then three years later a month is added to the summer months. This is their intercalation* (W.T.34) (бизнинг мамлакатда тўртта фасл, аммо Ҳиндистонда учта фасл бор. Тўрт ой ёз, тўрт ой ёмғирли, тўрт ой кишдир. Ярим ой қаршиланиши билан ойлар бошланади. Ҳар уч йилда бир ой ёмғирли ойга қўшилади, кейинги уч йилда охириги бир ой қиш ойига қўшилади, кейинроқ уч йилда бир ой ёз ойига қўшилади. Бу уларнинг кабисасидир (М.Т). Бунда таржимон вақт ўлчов бирликларининг фасл, кабиса вақтларини лингвокультурологик жиҳатдан китобхонга тушунарли бўлишига диққат қаратган. Бобур услубидагидек содда ва ихчам ўтирилган. *Ойларнинг ибтидоси ҳилолий ойларнинг*

истиқболдиндур жумласи вақтга янада аниқлик киритилишини ифодалайди, бу тасвир таржимада: *the months begin with the crescent moon in opposition* деб таржима қилинади. Таржимон *ҳилолий ой* бирикмасини, муаллиф ифодалагандек, *crescent moon* тарзида жонлантирган. Умуман, В.Текстон таржимасида вақт ўлчов бирликлари лексик-семантик жиҳатидан ҳам аслиятнинг прагматик хусусиятларига мувофиқ қайта яратилган.

Таржимонлар вақт ўлчов бирликларини қайта тиклашда ўз маҳорати ва услубига кўра таржима қилганлар. Айниқса, вақт ўлчов бирликларини лингвокультурологик жиҳатидан ҳам мукамал ўрганиб, қайта тиклаган деб айта оламиз. Бу лексемалар таржимасини акс эттиришда грамматик трансформациянинг синтактик мослашув турларидан фойдаланганлар. Буларнинг ҳаммаси таржимон маҳоратига боғлиқ тарзда амалга оширилади, албатта. Таржимашунос олим Ғ.Раҳимов тўғри таъкидлаганидек: “Таржимон нафақат муайян услубий вазифа ифодаси учун қўлланган образли ёки ҳиссий-таъсирчан лисоний воситани, балки амалий жиҳатдан қийинчилик туғдирмайди, деб тасаввур қилинадиган эркин маънодаги у ёки бу сўз ёхуд сўз бирикмасини ўгиришда ҳам ҳар доим ўша восита мазмунини таржима тилида қандай сўз ёки сўз бирикмаси аниқроқ ва тўлароқ ифода этиши мумкинлиги, мавжуд вариантлардан қайси бирининг аслият руҳига кўпроқ мос келиши ҳақида ўйлаши ва доим ўз олдида назарда тутилган фикрни қай тарзда янада равонроқ баён этиш мумкин деган саволни қўйиши зарур”⁴³. Бу жиҳатлар ҳар учала таржимонда ҳам аниқ акс этганлигини таржималарни қиёсан таҳлил қилиш натижасида ўргандик. Вақт ўлчов бирликлари лексемасининг таржималарида прагматиклик ва адекватлик билан амалга оширилганлиги маълум ўлчов бирликлари лексемасининг таржимасидаги лўндалик ва аниқлик шундан далолат беради. Мумтоз асар яратилган давр учун одатий бўлган вақт ўлчов бирликлари, ҳозирда тилнинг пассив катламидан ўрин олган бўлиши, аслиятнинг ҳақиқий тарихий манба эканлигини таъминловчи бу каби вақт ўлчов бирликлари лексемасини тил бирликларининг таржимадаги меъёрини белгилаш жуда нозик масала ҳисобланади. Таржимада уларнинг қандай акс эттирилганлигини ўрганиш эса муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ўринда таржимон бир мамлакатда яшовчи ҳамда ягона бир тилда сўзлашувчи халқ тилини ҳам синхроник, ҳам диахроник жиҳатидан олиб ўрганиши зарур бўлади. Чунки бир халқ тилида нофаол қатламдан жой олган тил бирликлари, бошқа бир халқ тилида фаол

қўлланишда бўлиши ҳисобга олиниши зурур. Бундай ҳолатда таржимондан таржимага тарихий ёндашиш ҳамда тарихий воқеалар баёнидаги вақт лексемаларини бузмай тўғри акс эттириш талаб қилинади.

Таниқли таржимашунос олим А.В.Фёдоров аслиятга муқобил таржима яратишда вақт ўлчовини билдирувчи бирликлар ҳақида "...аслиятдаги бир маъноли сўзга турли контекстларда бирдай мос келадиган бир маъноли сўзнинг тўғри келиши амалиётда жуда кам"⁴⁴, деган фикрни билдиради. Бундай мослик фақат баъзи лексик бирликларга, яъни сўзлар, календар тушунчаларини аңлатувчи (ой номлари, ҳафта кунлари) вақт бирликларига тегишлидир. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, календар тушунчаларини ёки вақт ўлчовини аңлатувчи бундай лексик бирликлар Григориан йил ҳисоби қўлланган асарлар таржимаси устида гап борганда, уларни ўгириш ёки транслитерация қилиш ҳам айнан Григориан йил ҳисобида амалга оширилганда бу ўзини оқлайди. Аммо шарқ ҳаёти тасвирланган мумтоз асарларда ҳижрий шамсий-қамарий йил ҳисоби қўлланган ҳолларда уларни замонавий тилга ўгириш таржимонлар учун мураккаброкдир.

Бобур Ҳиндистонда вақт ўлчовини билдирувчи лексик бирликлардан фойдаланиб фасллар, кундуз-кеча, ой-йил, фаслларда табиатнинг ўзгарувчан хусусиятлари ва уларнинг исломий тақвимлар билан рост келиши, иқлимни астроном олимга хос аниқлик, теранлик, айниқса, санъаткорлик билан тасвирлайди. Вақт ўлчов бирликлари лексемалари шу даражада мукамалки, ўқувчида саволга ўрин қолмайди. Бобур бу маълумотларида Мовароуннаҳр фасл вақт бирликлари билан Ҳиндистон фасл вақт бирликлари ва ойлариининг қўлланилишини икки мамлакатда аниқ вақтларини кўрсатишга ҳаракат қилади ва китобхонлар учун тушунарли бўлиши учун таҳлил этади. Улардаги ҳар бир ойнинг тақсимланиши, табиий хусусиятлари ва албатта, вақтни аңлатувчи тақвимий муродифлари номларининг аниқ вақтини келтиради.

Ушбу парчага эътиборимизни қаратайлик: *Чайт, байсак, жет, асър – тобистон (ёз); мувофиқи: ҳут ва ҳамал ва савр ва жавзо. Сааван, баъдўн, кувар, каътик – пашакаал; мувофиқи: саратон ва асад ва сунбула ва мезон. Ағҳан, пус, маҳ, паъгун – зимистон (қиш); мувофиқи: ақраб ва қавс ва жадӣ ва далв* (БН.207).

Бу вақт ўлчов бирлиги лексемалари таржимада шундай акс этган.

Лейден-Эрскин таржимасида: *Cheit, Beisakh, Jeth, and Asarh are the summer months, corresponding to Pisces, Aries, Taurus, and Gemini; Sawan, Bhadun, Kuwar, and*

Katik form the rainy months, corresponding to Cancer, Leo, Virgo, and Libra; Aghen, Pus, Magh, and Phagun are the winter, and include Scorpio, Sagittarius, Capricornus, and Aquarius. (L-E.Voll.II.; 237-238) Чейт, Байсак, жет, асър ез ойлариدير, хут, хамал, савр ва жавзо ойларига мувофиқдир. Саван, баъдун, кувар ва каътик ёмғирли ойлардандир, саратон, асад, сунбула ва мезонларга мувофиқдир. Агхан, пус, мах ва паъгун киш ойлариدير; акраб, қавс, жадй ва далв ойлари ни ўз ичига олади (Ш.С). Таржимада вақт ўлчов атамалари бир-бирига мувофиқ тарзда ҳар икки мамлакат лингвокультурологик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда акс этган. Муаллиф фасл ва ойлар атамаларининг ҳиндча шаклини келтириб, мусулмон тақвими атамалари билан қиёсан тушунтиради ҳамда ҳар иккала мамлакат вақт birlikлари лексемасини англаб олишига кўмак беради. Ҳар бир фасл қайси ойлари ни ўз ичига олиши, Мовароуннаҳрда бу ойлари қандай номланишини аниқ баён қилади, лингвокультурологик жиҳатидан бу деталлар шу мамлакат миллийлигини ҳам ўзида сақлаб қолганлигини кўришимиз мукин. Ҳиндча вақт birlikларидан ой номлари таржимасида транслитерация усулини кўллаган бўлса, Мовароуннаҳр ой номларини таржима тилида ифодалаган. Таржимон лингвистик таржима усулига суянади. Таржима амалиётида лексик birlikларнинг тўлиқ ёки қисман мослиги муҳим аҳамиятга эга. Мутаржим *Cheit, Beisakh, Jeth, and Asarh are the summer months, corresponding to Pisces, Aries, Taurus, and Gemini* (Чейт, Байсак, жет, асър ез ойлариدير, хут, хамал, савр ва жавзо ойларига мувофиқдир) вақт ўлчовларини тўлиқ ҳолатда ифодалаган. Ушбу жумлада *хут, хамал, савр ва жавзо* ой номларининг инглиз тилида муқобил варианты *Pisces, Aries, Taurus, and Gemini* лар билан келтирилади ва инглиз китобхони учун вақт birlikларини англаб етишига имкон яратади. Демак, таржимон ҳам Бобур тутган йўлни танлаган.

Н.Ўрмонова “Календар тушунчаларини ёки вақт ўлчовини англаувчи бундай лексик birlikлар йил ҳисоби кўлланган асарлар таржимаси устида гап борганда, уларни ўгириш ёки транслитерация қилиш ҳам айнан григорян йил ҳисобида амалга оширилганда бу тезис ўзини оқлайди. Аммо шарқ ҳаёти тасвирланган мумтоз асарларда хижрий шамсий-камарий йил ҳисоби кўлланган ҳолларда уларни замонавий тилга ўгириш таржимонлар учун мураккаброқ”⁴⁵, деган хулосаларини билдиради. Ҳақиқатан ҳам, йил фасллари, ойлари соф вақт ўлчов birlikлари лексемалари ва астрономик атамалар бўлгани, йил ҳисоби ҳам ҳар хил мезонлардан келиб чиққани боис,

уларни ўзга тилга ўгириш ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Аммо Лейден-Эрскин бу вазифани аъло даражада уддалаган.

А.Бевериж таржимасида: (*Chait, Baisakh, Jeth and Asarh*) are the hot months, corresponding with the Fish, (*Ram, Bull and Twins; Sawan, Bhadon, Ku,ar and Katik*) are the rainy months, corresponding with the Crab, (*Lion, Virgin and Balance; Aghan, Pus, Magh and Phalgun*) are the cold months, corresponding with the Scorpion, (*Archer, Capricorn, and Bucket or Aquarius*) (А.В.515) (Чейт, Байсах, Жет ва Асаър) ёз ойларидир, Балиқ буржиги мос келади, (қўй, хўкиз, эгизаклар; Сааван, баъдўн, кувар, каътик) ёмғирли ойлардир, қисқичбақа буржиги айнан ўхшаш, (арслон, сунбула ва мувозанат (мезон); Агхан, пус, мах ва паъгун қиш ойларидир, чаён буржиги мувофиқ келади (қавс (ўкчи), жадй, далв) (Ш.С), тарзида берилган. А.Бевериж таржимани ўқувчига тушунарли етказиш мақсадида Лейден-Эрскин ва В.Текстон таржималаридан бошқачароқ йўл тутган. Матндаги сўз ва сўз бирикмаларининг таржималарига ўз услуби нуқтаи назаридан ёндашган. Матнда кўрсатилган ойларнинг номини алоҳида таржимада бермасдан, уларни буржлар орқали кўрсатишга уринади. Ушбу *чайт, байсак, жет, асаър – тобистон (ёз); мувофиқи: хут ва ҳамал ва савр ва жавзо* жумласи, таржимада: (*Chait, Baisakh, Jeth and Asarh*) are the hot months, corresponding with the Fish (Чейт, Байсах, Жет ва Асаър) ёз ойларидир, Балиқ буржиги мос келади) деб берилади. Муаллиф ифодалаган тасвирдан ҳам қисқароқ шаклда келтириш мақсадида таржимон шу услубни танлаган кўринади. Бизнингча, таржимон матн мазмунини сақлаб қолишга эришган.

В.Текстон таржимасида: *The summer months are Chait, Baisakh, Jeth, and Asarh, corresponding to Pisces, Aries, Taurus, and Gemini. Those of the monsoon are Sanwan, Bhadon, Kuar, and Katik, corresponding to Cancer, Leo, Virgo, and Libra. The winter months are Aghan, Pus, Magh, and Phagun, corresponding to Scorpio, Sagittarius, Capricorn, and Aquarius* (W.T.348) (Чайт, байсак, жет, асаърлар ёз ойларидир, хут, ҳамал, савр ва жавзо ойларига мувофиқдир. Сааван, баъдўн, кувар, каътик ёмғир ойларидир, саратон, асад, сунбула ва мезонларга мувофиқдир. Агхан, пус, мах, паъгун қиш ойларидир, акраб, қавс, жадй ва далв ойларига мувофиқдир (Ш.С), деб берилади. Муаллиф ҳар бир фасл ўз ичига нечта ойни қамраб олишини аниқ ифодалаган бўлса, таржимон ҳам шундай йўлдан борган. Ҳинд тилидаги ой номларини транслитерация йўли билан ўгирган. Лейден-Эрскин таржимасидек, Мовароуннахр ой номларини таржима тилида қайта тиклаган. А.Бевериж таржимасига нисбатан В.Текстон ва Лейден-Эрскин таржималарида таржиманинг шакл ва мазмуни айнан аслиятнинг прагматик хусусиятларига мувофиқ амалга оширилган.

Асарни синчиклаб ўқиган китобхон назарида Ҳиндистондаги вақт ўлчов бирликлари лексемасига оид атамалардаги чалкашлик Бобурни анча ташвишга солгандек кўринади. “Бобурнома”да вақт ўлчови борасида муаллиф эринмай, диққат билан кузатиш олиб боргани шундан гувоҳлик беради. Бобур, назаримизда, хиндлардаги кеча-кундуз ўлчовига доир вақт бирликлари лексемасининг ноаниқлиги мамлакат фуқароларини меҳнат ва бошқа фаолият турларидан чалғитади, деган фикрда бўлган. Айни пайтда, вақт бирликларини аниқлаштириш, барча учун тушунарли ҳолатга келтириш Ҳиндистон салтанати подшоҳи Бобурнинг ўзи учун ҳам муҳим бўлган.

Ҳиндлардаги вақт ўлчов бирликларидан:

“пахар” (бир кеча-кундузнинг саккиздан бири, уч соатли вақт)

“пос” (уч соат, бир кеча-кундузнинг саккиздан бири)

“гарий” (йигирма, йигирма беш минут оралиғидаги вақт), “гарийалий”, “гарийал”

Шунингдек, бошқа вақт бирлиги атамалари аниқ астрономик вақтни белгилаб берса-да, буларда маълум маънода чалкашликлар мавжуд эди.

Буни яхши англаган Бобур хинд вақт бирликларини ислоҳ этишни лозим топган ва унга жиддий муносабатда бўлган.

Бу масалалар хусусида “Бобурнома” шундай гувоҳлик беради: *Ҳинд эли кеча-кундузни олтмиш қисмат қилиб турлар, ҳар қайсини бир гарий деб турлар, яна кечани тўрт ва кундузни тўрт қисмат қилиб турлар. Ҳар қайсини бир паҳар деб турларким, форсийси пос бўлғай. Ул вилоятларда пос ва посбон эшитилур эди, бу хусусият била маълум эмас эди* (БН.207). Бу вақт ўлчовларини таърифини беришда Бобур тилшунос олим сифатида форсча *пос* сўзининг, кўрикчи маъносидаги *посбон* сўзи билан этимологик муносабатига эътибор қаратади. *Пос* вақт бирлиги ҳарбий турмушнинг маълум сатҳида соқчилик –қўриқчи маъносида ишлатиладики, Бобур буни зукколик билан очиб берган.

Бундай вақт бирликлари тасвири Лейден-Эрскин таржимасида: *The natives of Hindustan divide the night and day into sixty parts, each of which they denominate a ghari; they likewise divide the night into four parts, and the day into the same number, each of which they call a pahar (or watch), which the Persians call a pas. In our*

country I had heard of *pas* and *pasban*, though I did not understand the custom (L-E.Vol.II.; 238-239) (Ҳиндистон эли кеча-кундузни олтмиш қисмга бўлиб, ҳар бирини “ғари” деб атайдилар. Бундан ташқари кечани тўрт қисмга ва кундузни ҳам бир хил қисмга бўлади, ҳар бирини паҳар (ёки соат) деб аташади, форсийда пос дейишади. Бизнинг тарафларда пос ва посбонларни эшитганман, уларнинг хусусиятларига тушунмагандим (Ш.С) тарзида акс этади. Бу ўринда таржимон вақт бирликлари лексемасини семантик жиҳатидан мувофиқ келувчи муқобил вариантларни танлаган. Ҳиндлардаги паҳар сўзини *pahar* (or *watch*), пос сўзи *a pas*, посбон сўзи *pasban* ва *ghari* эса *a ghari* шаклида транслитерация орқали қайта тиклаган. Айрим ўринларда изоҳ сифатида вақт бирлигининг инглиз тилидаги вариантини ҳам келтирган. Таҳлил натижасида рецепторга прагматик мувофиқликда таржима вариантини тақдим этишга эришган.

А.Бевериж таржимасида: *So the people of Hind divide the night-and-day into 60 parts, each called a (S.) g'hari. They also divide the night into four and the day into four, calling each part a (S) pahr (watch) which in Persian is a pas. A watch and watchman (pas u pasban) had been heard about (by us) in those countries (Transoxania), but without these particulars* (А.В. 516) (шунингдек Ҳинд эли кеча-кундузни олтмиш қисмга бўлади, ҳар бирини ғари деб атаиди. Улар кечани тўртга бўлади ва кундузни ҳам тўртга бўлади, ҳар бир қисмни паҳар дейишади, форсийда посдир. Соат ва тунги қоровул (пос у посбон) сўзини мамлакатимизда эшитганман, аммо ўзига хослиги маълум эмас эди (Ш.С) шаклида қайта тиклайди. Пос ва посбон вақт бирликлари лексемаларининг инглиз тилида таржимаси келтирилган ҳамда кавс ичида транслитерация билан кўрсатилган. Таржима матнида ҳар бир вақт бирлиги аслият матнига мувофиқ тарзда ўгирилган. А.Бевериж таржима матни ўқувчига тушунарли бўлиши учун вақт бирликларининг лексик жиҳатларига ҳам эътибор қаратган. Таржима матнида *A watch* (қўл соати) ва *watchman* (тунги қоровул) (*pas u pasban*) шаклида ўз ифодасини топган. Таржима матнида аслиятдаги вақт ўлчови айнан таржима қилинмаган бўлсада, муқобил вариантини бера олган. Хусусан, *those countries (Transoxania)* бирикмасини алоҳида изоҳлаган ҳамда лингвокультурологик жиҳатдан вақт бирликларига алоҳида эътибор қаратган, десак муболаға бўлмайди. Бундай рецептив ҳолатни бошқа икки таржимон таржима матнларида учратмаймиз.

В.Текстон таржимасида: *The people of India divide the day and night into sixty parts, each of which is called a ghari. Moreover, the night and the day are each divided into four parts, each of which is called a pahar, or what in Persian is called a pas. In Transoxiana, I had heard the expressions pas and pasban, but I did not know what they*

denoted (W.T. 349) (Ҳиндистон халқи кеча-кундузни олтмиш қисмга бўлади, ҳар бирини гари деб атайдилар. Бундан ташқари, кеча-кундузнинг ҳар бирини тўрт қисмга ажратади, ҳар бири паҳар ёки форсийда пос деб аталади. Мовароуннаҳрда пос ва посбон ифодаларини эшитганман, аммо улар нимани англатишини билмасдим). Матн таржимасида *пос* ва *посбон* сўзларини таржимон транслитерация йўли орқали таржимада ифодалаган. Бу жиҳатдан А.Бевериж таржимасидан фарқли таржима вариантини бера олган. Масалан, аслиятдаги *яна кечани тўрт ва кундузни тўрт қисмат қилибтурлар* жумласи таржима матнида: *the night and the day are each divided into four parts* (кеча-кундузнинг ҳар бирини тўрт қисмга ажратади) таржима вариантыда қисқартма йўли билан ўтирилгани таржима таҳлилида кўринади. Бу таржима усули матн мазмунига прагматик жиҳатидан ҳеч қандай путур етказмаган, аксинча мазмун очиқлигига хизмат қилган.

Ушбу “Бобурнома” матнидан олинган тасвирлар таҳлиллари натижасида таржимонларнинг вақт ўлчов бирликлари лексемаларини таржима матнида маҳорат билан қайта тиклаганликларига амин бўлдик. Айниқса, вақт астрономик терминлар масаласида бу жиҳат яққолроқ кўринади. Дейлик, бир таржимон вақт ўлчови лексемасини таржима вариантини берса, бошқаси транслитерация усулидан фойдаланади. Яна бири изоҳ ва шарҳларга кенг ўрин беради ҳамда лингвокультурологик жиҳатига ҳам эътибор қаратиб, ўқувчига тушунарли бўлиши учун интилади. Вақт ўлчов бирликлари лексемаларининг таржималарда қайта тикланишида, Бобурнинг ихчам ифодаси янада соддалаштириб берилган ўринлар ҳам учрайди. Натижада инглиз ўқувчиси учун тушунарли, адекват таржима вариантлари майдонга келган.

Таржима матнларида воқеаларнинг реалистик баёнига алоҳида эътибор берилган. Бобурнинг ўлчов бирликларини беришда аниқ тасвирлаш усули таржима вариантлари муваффақиятини таъминловчи муҳим омиллардан бири бўлган. Прагматик таржима имкониятини кенгайтирган. Таржима матнларида “Бобурнома” матнига хос миллий рух, лингвокультурологик хусусиятлар сақлаб қолинган. Таржима амалиётида мавжуд генерализация ва модуляция усулининг мувофиқ тарзда қўлланилиши айни ютуқларнинг гарови бўлиб хизмат қилган.

Вақт ўлчов бирликлари воқеалар жараёнини ёритишда ўзига хос аҳамият касб этади, аниқ рақамларни қўллаш маҳорати ҳам “Бобурнома” бадииятининг ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Бу Бобурнинг классик наср тилига кўшган улкан ҳиссаси сифатида баҳоланишга лойиқ. “Бобурнома”

лексикасида вақт ўлчов бирликларини қўллаш орқали туркий тилининг барча қатламлари, архаик ва замонавий лексика наср тилининг кенг имкониятларини намоён эта олган.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1.Babur. Traktat ob aruze / Pod. red. I.Stebleva. – M., 1972.–175 s.
- 2.Babochkin B.A. Mesyats v Indii. – M.: Iskusstvo, 1959. - 152 s.
- 3.Beveridge A.S., The Bābur-nāma in English (Memoirs of Babur), Translated from the Original Turki Text of Zahiri'ddin Muhammad Babur Padshah Ghazi by Annette, Susannah Beveridge. 2 Vols, – London, 1922; Repr, in one Volume, – London, 1969. – 25 p. – New Delhi, 1970. – 78 p. Lahore, 1975. – 72 p.
- 4.Lane-Poole. Babar. – Oxford, Clarendon Press, 1899. - 260 r.
- 5.Stebleva I.V. “Baburname” yazik, pragmatika teksta, stil. – M. 1994. - 404 s.
- 6.The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor, Translated, edited, and, annotated by Wheeler. M., Thackston. – New York & Oxford, 1996. - 460 p.
- 7.History of India. By H.M.Elliott and John Dowson. – London, 1867. - 190 p.
Harold Lamb. Babur the Tiger. – New-York, 1961. – 226 p.
- 8.Sharma S.R. A Bibliography of Mughal India (1526-1707 A.D). – Bombay, 1990. - 154 p